



ТУРКИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АКС-САДОСИ

Кеча тунда бошланган нотинчлик бутун дунёни ларзага солди. Тонг отгунча жаҳон миқёсида сиёсий тўлқин тинмади. Туркия ва турк миллатининг қудрати ўзини дунёга намойиш қилди. Вазиятнинг тафсилотлари деярли барчага яхши маълум. ОАВ тўғридан тўғри воқеликни тасвир усули билан етказиб бериб турди.

Ҳарбийларнинг давлат тўнтаришига уриниши сабаблари, шубҳасиз, аждодларнинг қадим илдиларига қайтаётган давлатнинг душманлари уйдирган фитналардир. Бу ўринда президент Эрдўғонга қўйилаётган айбловларга мен қўшилмайман. Эрдўғон сиёсати давлат тўнтариши даражасига қадар олиб келди деган гап сафсатадир. Чунки пайғамбару валийлар ҳаёти бу каби синовларга тўла ўтган. Демакки, уммат учун имтиҳонларнинг қўплиги табиийдир. Ҳар бир имтиҳоннинг ниҳоясида катта дарс туради. Бу дарс – келгуси зафарларнинг булоғи бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун мен бўлиб ўтган воқеани Туркия тарихидаги янги бир босқич деб баҳолайман.

Давлат тўнтариши уриниш натижасида қўлга киритилган ғалабаларнинг салмоғи улкан:

Аввало, жаҳон тарихида камдан-кам кузатиладиган воқеа содир бўлди: халқ ўз раҳбарининг даъвати ила кўчага чиқди. Ҳукуматнинг, давлатнинг ҳимояси учун одамлар кўчаларга ҳаётларини гаровга қўйган ҳолда чиқдилар. Чунки халқ амалдаги ҳукумат Ватан ва миллатнинг самимий ҳимоячиси эканини кўриб турибди. Кўчага чиққан ёшу қари ўлимдан қўрқмади, бирор дайди ўққа учраб ажал топишидан чўчимади, балки шу хатарни бир шараф ўлароқ қабул қилиб кўчага чиқди. Демак, давлат ва халқнинг жипслигидан улкан куч юзага келган.

Иккинчидан, Эрдўғонга қўйилаётган айбловлардан бири – мамлакатни динийлаштириш – исломийлаштириш эди. Гўё бу “айб” экан. Ҳар бир жамият ўз ҳаёт тарзини белгилашда ўзи истаган шаклни танлайди. Модомики, халқ ислом динини ўзи учун мақбул топса, шу асосда ҳаёт кечирмакни тўғри билса, бу энг юксак ҳуқуқлардан биридир. Кўрдикки, қалбига эътиқод жойлашган, Оллоҳга инонган миллат тонгда сабоҳ намозини жамоат бўлиб адо қилди. Бу ҳол давлат раҳбари танлаган йўлнинг ижобий натижа берганига, яъни

халқни бирлаштириш учун хизмат қилганига – мутлақо тўғри эканига далолат қилади.

Учинчидан, халқ ўзининг кучини ҳис этди. Агар минг киши кўчага тўпланса, у оломонга айланади. Яъни фикрлашни йўқотиб оқим кайфиятига қўшилиб ақлга сиғмайдиган даражада хатоларга йўл кўяди. Аммо бу сафар ундай бўлмади. Кўчага чиққан минглаб одамлар ақлини йўқотмадилар. Улар нима учун кўчага чиққанларини яхши билишар эди. Жипсликнинг кучини, ўзининг қудратини онгли шаклда англаб етди миллат.

Тўртинчидан, мамлакат халқининг қудрати дунёга маълум бўлди. Туркияга ғаним назари ила боқадиган хориж мамлакатлари

бу миллатни енгиб бўлмаслигига иқрор бўлди. Ўзининг “маданияти” билан мактанувчи Ғарб халқидан кўра бу миллат ўзининг иймон билан суғорилган қатъиятини намойиш эта билди.

Бешинчидан, дунёдаги жамики мусулмонлар, хусусан, туркий халқлар ўша тунда ҳам рамз, ҳам ўз маъносида бир байроқ остига жамланди. Ижтимоий тармоқлардаги муносабатларнинг катта қисмида Туркияга хайрихоҳлик руҳи мужассам эди. Мусулмон олами яқин тарихда ўзининг бирлашувчилик қудратини кўрсатди.

Олтинчидан, воқелик дўстни ва душманни танитди. Энди кимга қандай муомала қилиш кераклиги барчага кундай равшан бўлди.

Албатта, ўз одатига содиқ қолган Ўзбекистоннинг бугунги ҳукумати вазиятни на ТВ, на радио орқали ўз вақтида, балки умуман ёритмади. Аммо бу ҳол ўзбек халқ ўз қардошларига беварқ бўлди дегани эмас. Ўша вақтда ижтимоий тармоқларда минглаб ўзбек ёшлари ва зиёлилар Туркия билан руҳан бирга эканларини билдирдилар. Одамлар намоз ўқиб қардошлари

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

учун дуо қилдилар. Ўзбек халқи ўз қардошини жондан севшини, унинг учун курашга тайёрлигини изҳор эта билди. Бу шундай ҳол эдики, унинг учун биров мажбурламади, биров дўқ қилмади. Ўзбек ёшлари ўз ихтиёрлари ила Туркияга бўлган муҳаббатларини кўрсатдилар. Агар улар қудратга келсалар, Каримов режими ҳеч иш қила олмаслиги

ўртага чиқди. Фақат ёшларни уйғота оладиган, бирлаштирадиган аниқ ва хайрли сабаб зарур. Уларнинг кўз олдида аниқ мақсад намоен бўлса, шубҳасиз, улар бирлашиб катта куч бўлишларини исботладилар. Туркиядаги давлат тўнтариши мусулмон дунёси учун қанчалик мусибат бўлар эди, аммо бу ҳол бугун Ўзбекистонда рўй берса, улкан бахт деб ҳисоблайман. Чунки халқи учун қайғурмайдиган,

ўлик каби кун ўтказаетган, ёлғон ва алдовлар устига ҳокимият қурган Каримов режимининг ҳукм суришга ҳаққи қолмаган ортик.

Агар Каримов режими ағдарилса, бу ҳол ТВдан намойиш этилса, халқ байрам қилиб кўчага чиқиши шубҳасиз. Золимдан қутулганини, ҳақиқий озодликка эришганини айтиб тантана этажак. Бу кунларга жуда яқин қолди, иншаОллоҳ!

Абдуллоҳ Нусрат

Туркияда ҳарбий тўнтариш уриниши содир бўлди

Туркияда ҳарбий тўнтариш уриниши содир бўлди, дея хабар беради «Озодлик» радиоси. Бош вазир Бинали Йилдирим давлат тўнтаришида ҳарбийларнинг бир қисми аралашганини баён қилди.

NTV телеканали Йилдиримнинг

ҳарбий тўнтариш уриниши давом этаётгани тўғрисидаги сўзларидан иқтибос келтирди.

Рейтерс эса Йилдиримдан бу ҳодисани «тўнтариш» деб атаб бўлмайди, уни «уриниш», деб аташ лозим, деган сўзларидан иқтибос

келтирди. Анқара узра ҳарбий учоқлар ва вертолётлар парвоз қилаётгани хабар қилинмоқда. Twitter тармоғида Анқараликларнинг пойтазхтда портлашлар ва отишма овози эшитилганини ёзишмоқда.

Айни пайтда Истанбулда Туркия ҳарбийлари Босфор устидан ўтадиган кўприкларни тўсиб қўйишгани айтилмоқда.

ЎХХ хабарлар бўлими

Кеча соат 22:00 да Туркия пойтахти Анқара ва Истанбул шаҳарларида давлат тўнтарилишига уриниш содир бўлди.

Давлат тўнтарилишини биров вақт аввал лавозимидан олинган Бош Штаб ҳуқуқ маслаҳатчиси полковник Муҳаррам Кўса (Muharrem Köse) бошчилигида режалаштирилгани аниқланди.

Полковник Кўса билан

Туркияда давлат тўнтарилиши полковник Муҳаррам Кўса тарафдан режалаштирилган

биргалиқда шунингдек полковник Мехмет Ўғуз Оққуш, Мингбоши Аркон Агин, подполковник Доған Уйсал каби шахслар бўлгани айтилади. Бу орада давлат

тўнтаришини амалга оширган аскарларга қарши мўлжалланган амалиёт бошланган ва бир қисми қўлга олингани таъкидланмоқда.

ЎХХ хабарлар бўлими



Исёнчилар мағлуб бўлди, Туркия ғалаба қозонди

Туркия давлат тўнтарилиши урунишига дуч келди. Анқарада Бош Штаб қароргоҳи ва TRT телевиденияси бош қароргоҳи бир гуруҳ исёнчи ҳарбийлар тарафдан қўлга олиниб, Истанбулда эса Бўғозичи ва Фотиҳ Султон Маҳмат

кўприклари ёпиб қўйилди.

Туркия президенти Эрдоғон ва бош вазир Йилдиримнинг чақируви билан бутун мамлакат бўйлаб миллионлаб халқ кўчаларга чиқди. Вертолётдан Туркия Олий мажлиси, Бош Штаб вазирлигига ва Миллий

разведка ташкилоти биноларига ўт очган исёнчилар, қуролларини тинч аҳолига ҳам йўналтирдилар. Анқара ва Истанбулдаги ҳужумларда ўнлаб полиция ҳодимлари ва фуқаролар ҳалок бўлди, юзлаб инсонлар яраланди.

Туркия Қуролли Қучлари бошқарув қисми исёнчилар ҳужумига шиддатла қарши чиқар экан, хавфсизлик аъзолари томонидан ташкил қилинган амалиётлар ёрдамида исёнчилар бирма-бир қўлга олина бошлади. Бошқа тарафдан давлат тўнтарилишида қатнашган аскарлар билан биргалиқда баъзи Олий суд, Давлат кенгаши ва Ҳакамлар ва прокуратура олий кенгаши аъзоларининг ҳам қўлга олиниши ҳақида қарор чиқарилган. Истанбулда исён ўз тугатилиш нуктасга келар экан, Анқарада эса исёнчилар билан отишмалар давом этаётгани, ушбу гуруҳ аъзоларининг аҳоли ва полиция ҳодимларига ҳужум қилаётгани айтилмоқда.

Шунингдек Жандарм Қўмондонлигидаги бир неча исёнчилар ҳам таслим бўлишган.

ЎХХ хабарлар бўлими

11 июл эрталаб 9 да Қирғизистон Олий маҳкамаси 2010 йил июнида оммавий тартибсизликларни ташкил қилиш ва маҳаллий милиция зобитини ўлдиришда айбланиб қамалган ҳуқуқ фаоли Азимжон Асқаров ишини БМТ инсон ҳақлари қўмитаси тавсиясига биноан қайта кўриб чиқишни бошлаган.

Азимжон Асқаровнинг ўзи маҳкамага олиб келинмаган. Ҳакам Эсенканов ҳимоянинг Азимжон Асқаровни маҳкама мажлисига чақириш талабини рад қилиб, «зарурият туғилса келтирилиши»ни билдирган.

Ҳимоячи Нурбек Тохтаунов ҳакамдан Олий маҳкаманинг 2011 йил 20 декабрда чиқарган қарорини бекор қилиш ва Асқаровни қамокдан озод қилиб, жиноий ишини тўхтатишни сўраган.


2016 йил 21 апрелда БМТ инсон ҳақлари бўйича қўмита Қирғизистон ҳукуматидан Азимжон Асқаров қамокда ноқонуний ушлаб турилганини айтиб, унга нисбатан жиноий ишни адолатли қайта кўриб чиқиш талабномасини юборган эди.

БМТ қўмитаси Асқаровга нисбатан маҳкамагача ва маҳкамадан кейин қийноқлар қўлланилгани, ҳимоя томони гувоҳлари сўроқ қилинмагани ҳолатларини қайд этган.

Инсон ҳақлари қўмитаси Қирғиз ҳукуматидан Асқаровни авф қилиш, тутқунликдан озод қилиб, товон пули тўлашни талаб қилган. Қўмита Асқаров иши Қирғиз ҳукумати билан муҳокама этилмаслиги, уни зудликда озод қилиш кераклигини таъкидлаган шунингдек.

Ҳимоянинг қайд этишича, БМТ қўмитаси Асқаров ишида инсон ҳақлари кўп маротаба бузилганини мисол келтириб ўтган. Агар маҳкумга нисбатан оқлов чиқарилмас экан, унга нисбатан қийноқлар давом этади, таъкидлаган ҳимоячи Тўхтаунов.

Сўзга чиққан адвокат Валерьян Вахитов ҳам Асқаровни озод қилишни сўраган.



Азимжон Асқаров иши БМТ инсон ҳақлари қўмитаси тавсиясига биноан қайта кўрилмоқда

Маҳкамада қатнашган жамоатчи ҳимоячи Толекан Исмоилова Асқаров тергов пайтида қийноқларга солингани тўғрисида мисоллар келтирган.

Азимжон Асқаров 2010 йил 16 июнда Қирғизистон жанубидаги фожеавий июн воқеаларидан кейин қамокқа олинган.

Ҳуқуқ фаоли Асқаров оммавий тартибсизликларни ташкиллаштириш ва милиция ходими ўлимига алоқадорликда айбдор топилиб, сентябр ойида туман маҳкамаси томонидан умрбод қамок жазосига ҳукм қилинган. 2011 йил 20 декабрда Қирғизистон Олий маҳкамаси ҳукми кучида қолдирган.

Орадан ўтган олти йил давомида халқаро инсон ҳақлари ташкилотлари ва маҳаллий фаоллар Азимжон Асқаров ноҳақ қамалганини, айбини исботлайдиган далиллар йўқлигини айтиб, Қирғизистон ҳукуматидан уни озод этилишини талаб қилиб келадилар.

Азимжон Асқаровнинг ўзи ва турмуш ўртоғи ҳам бу борада бир неча бор халқаро ташкилотларга мурожаат этган.

Азимжон Асқаров ўзига қўйилган айбловларни ҳамиша инкор этган.

АҚШ ҳамда Оврўпо Иттифоқи Азимжон Асқаровга чиқарилган маҳкама ҳукмидан ўз норозилиklarини билдирганлар, Азимжон Асқаровнинг дастлабки ҳибс пайти шафқатсиз қийноқларга тутилгани маҳкама томонидан

инкор этилгани қайта-қайта таъкидланган.

АҚШ Давлат департаменти 2015 йил июлида Азимжон Асқаровни «Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси» мукофоти билан мукофотлагани Қирғизистон расмийларини газаблантирди.

Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлиги таниқли ўзбек инсон ҳақлари ҳимоячиси Азимжон Асқаровнинг АҚШ Давлат департаменти мукофоти билан тақдирланганини қоралаб баёнот эълон қилди.

Азимжон Асқаров мукофотланганига жавобан Қирғизистон АҚШ билан 1993 йилда имзоланган ҳамкорлик битимини бекор қилди.

Шу йилнинг 21 апрелида Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари қўмитаси экспертлари 2010 йил ёзидан буён ҳибсда қолаётган Азимжон Асқаровни озод этишга чақириқ билан чиқдилар.

БМТ қўмитаси Азимжон Асқаровнинг ҳибсга олиниши Қирғизистон қонунларига зид бўлгани, изоляторда инсон чидаб бўлмас шароитда сақлангани, шафқатсиз қийноқларга тутилгани ҳамда ўзини маҳкамада ҳимоя қилиш имкониятларидан маҳрум этилганини урғулаган.

Бу билан Қирғизистон ўзи аъзоси бўлган бир неча фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар пактларини поймол этган, дейилади БМТ экспертлари хулосасида.

Манба: bbc.com/uzbek



Бандачилик ва "барса"чилик, мухлислик ва куфрчилик

Кечаги финални томоша қилишга кетаётиб, йўл-йўлакай уйимнинг ёнидаги магазинга кирдим. Дўкон остонасига қадам қўйишим билан сотувчилардан бир йигит: "Бобомурод ака, бугун кимга мухлислик қиласиз?", деб сўради. Уртамиздаги кейинги суҳбат қуйидагича бўлди:

— Португалияга!

— Ака, каллангиз ишлайдими? Келиб-келиб, шу чиқинди жамоага мухлислик қиласизми?!

— Мен доим таркиб жиҳатидан ожиз жамоаларга мухлислик қиламан. Узинг нега айнан Францияга мухлислик қиялпсан? Ярим финалда Германия томонда эдинг-ку!

— Мен "Реал" ва Роналдунни ёмон кўраман. Шунинг учун!

— "Барса"чимисан?

— Ҳа, албатта! Футболни тушунадиган нимаики мавжудот бўлса, "Барса"чи ва Мессичи бўлади, ака! Футболни тушунмайдиганлар "Реал"чи ва Роналдучи бўлишади.

— Сен футболни тушунсанг, айтчи, Дидье Дешам охириги ўйинларда баланд бўйли Погбани нега майдон марказига қўймоқда?

— Ака, уни-бунни қўйинг! Бугун Франция Португалияни ва Роналдунни камида тўрту нольга ютади.

— Худо хоҳласа ютади, де!

— Нима деяпсиз, ака?! ХУДО ХОҲЛАСА ҲАМ, ХОҲЛАМАСА ҲАМ, ФРАНЦИЯ ЮТАДИ! Мана мени айтди, дейсиз!

— Укам, ҳозир сен: "Францияга Худонинг кучи етмайди. Франция терма жамоаси Аллоҳдан ҳам кучли", деган мазмундаги гапни айтдинг. Тавба қилгин!

— Эскича гапларни қўйинг, ака! Бугун Франция исқирт Роналдунинг жамоасини ёриворади!

Ичи Роналдуга нисбатан нафратга тўла бу йигит билан

баҳсни дарҳол тўхтатдим.

Уйинни томоша қилиш учун йўлда кетаётсам яна бир танишим телефон қилиб: "Ака, финалдан кейин Франциянинг ғалабасини, гей Роналдунинг кўзёшларини ювгани келарсиз ишхонамга", деди. "Худо хоҳласа, Франция ютса, бораман, албатта", дедим. "Пайнет"да ишлайдиган бу "барселин" ҳам бормай-келмай: "Ака, 300 фоиз гарантия бераман: ХУДО ФРАНЦИЯНИНГ ҒАЛАБАСИНИ ХОҲЛАМАСДАН ИЛОЖИ ЙУҚ! ЧУНКИ ХУДО ҲАМ КУЧЛИЛАР ТАРАФДА БУЛАДИ", деди.

Кафега қирай деганимда "барселин"лардан яна бири кўнғироқ қилиб қолди. Телефонни олмадим. Учириб қўйдим. Чунки куфр сўзларни эшитишга ортиқ тоқатим қолмаганди.

Финал "барселин"лар истаган сценарийда эмас, Аллоҳ истаган сценарийда ўтди. Португалия терма жамоаси Роналдуга боғланиб қолмаганини намойиш қилди. Уйин португалларининг ғалабаси билан тугади. Мусулмонларни ёқтирмайдиган ирқчи Дидье Дешам ўз уйида, ўз мухлислари олдида аламли тарзда мағлуб этилди.

Маълум бир жамоа ва футболчиларга мухлислик қиламан деб, куфрга ботаётган телба кимсаларга Аллоҳ ким тарафда эканлигини кўрсатиб қўйди.

Аллоҳнинг бандаси ҳамшиша кимгадир ёки нимагадир мухлис бўлади. Лекин дунёвий бўлган бу мухлислик фанатизм ва куфрга ўтиб кетмаслиги керак. Акс ҳолда, одам Аллоҳга эмас, ўз нафсига, жамоасига, футболчисига банда бўлиб қолади. Португалия терма жамоаси ва Роналдуга мухлислик қилган барчани ғалаба билан чин дилдан табриклайман.

Бобомурод АБДУЛЛА
11.07.2016

Давлат тўнтарилиши иштирокчилари рўйхати эълон қилинди

"Онадўли" агентлигининг аскарлар орасидаги манбаларидан олган маълумотларга кўра, давлат тўнтарилишини режалаштирган, бироз вақт аввал Бош Штаб ҳуқуқ маслаҳатчиси лавозимидан олинган полковник Муҳаррам Қўса бошчилишидаги гуруҳда

Albay Mehmet Oğuz Akkuş, Binbaşı Erkan Ağin, Yarbay Doğan Uysal, Yarbay Derya Yaman, Albay Erhan Ermişoğlu, Albay Seyfi Bulduk, Yarbay Hasan Saban, Üsteğmen Serdar Çamiçi, Üsteğmen Akif Us, Yarbay Ali Müjdat Eski, Yarbay Uğur Aydın, Binbaşı Kurtuluş Kaya, Üsteğmen İlyas Damarseçkin, Üsteğmen İsmail Mingir, Teğmen Mehmet Sadık Özgüven, Yüzbaşı Sefa Mumcu, Üsteğmen Harun Birol Mert, Yarbay Uğur İrici, Üsteğmen Turan Özen, Üsteğmen Abdürrahim Özkan, Üsteğmen Süleyman Ülker, Teğmen Süleyman Çelebi, Albay Naci Akdemir, Binbaşı Ali Koçyiğit, Üsteğmen Halil İbrahim Dişçi, Üsteğmen Saadet Us, Üsteğmen Abdullah Avlık, Albay Ferhan Kuşcan, Albay Bülent Çolak, Albay Haluk Kamil Yavuz, Üsteğmen Zafar Öğretici, Üsteğmen Hamit Can Yüksel, Üsteğmen Ayhan Doğan, Üsteğmen Arif Bakır лар бўлиб, шунингдек улар орасида 37 нафар оддий аскарлар ҳам бўлган.

Тахминан 400 кишидан иборат лавозимга тайинлаш рўйхати

Исёнчи гуруҳ, давлат тўнтарилишининг муваффақиятли амалга оширилган ҳолда баъзи ҳарбий вазифалар учун лавозимлар рўйхатини ҳозирлаган.

Ушбу рўйхатда, вазифаларнинг кўп қисми Жандарм Умумий Қўмондонлигига боғлиқ ҳарбийлар эканлиги аниқланган.

Вазифа юкланиши режалаштирилган лавозимлар орасида Ҳаво кучлари қўмондонлиги ва юрт ташқарисидаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган шахслар ҳам борлиги айтилмоқда.

ЎХХ хабарлар бўлими

БАЁНОТ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”, дейилган. Яъни, давлат ҳокимияти тизими(системаси)нинг тизилмаси(структураси) да демократия ўз аксини топиши талаб этилади, зеро давлат ҳокимиятининг учта мустақил шахобчага бўлиниши айнан демократиянинг асосий принципларидандир.

Лекин, Конституцияда унинг 11-моддаси қўйган



исботлаб, гувоҳлик бериб Бош прокуратурага, Олий Мажлис Сенатига, Миллий Хафсизлик Хизмати, Давлат Солиқ Қомитаси ва шахсан Президент И.А.Каримовга шикоят аризалар билан муружатлар килиб келаман.

— Бош прокуратура: Мени 2012 йили Бош прокуратурага расман чакириб Т.Иминовдай «обрўли» одамга қаршижиной иш оча олмасликларини тан олиб айтишган. «Маъбодаяна Т.Иминов тўғрисида ёзадиган бўлсангиз ўзингизга ёмон бўлади.» деб кўрқитиб огоҳлантиришган ҳам. Бош прокуратура саккиз йилдан бери менга руҳий босим ва таъкиб тазйиқлар ўтказиб

КЛЕПТОКРАТИК АКАХОНЛИК — ПРЕЗИДЕНТ ДЕВОНИНИНГ АКСИЛКОНСТИТУЦИЯВИЙ ВАКОЛАТЛАРИДАН ЭКАНИ ТЎҒРИСИДА

талаб амалга ошиши учун зарур бўлган қоидалар йўқ, хусусан, мустақил шахобчалараро назорат учун чеклагичлар ва посангилар тизимини, импичмент механизмини қўллаш назарда тутилмаган, демократия тушунчасига бағишланган 13-модда тушунчани ойдинлаштирмайди, аксинча, уни мавҳумлаштиради. Натижада ҳокимият шахобчалари расман мавжуд бўлса ҳам, улар орасидаги тенглик принципи кўпол равишда бузилиб, давлат ҳокимиятининг президент девони дейилган конституцияда назарда тутилмаган шахобчаси аксилконституциявий ваколатлар воситасида устуворлик қилиб ҳукмрон шахобчага айланган.

Совет даврида Компартия Марказкоми давлат ҳокимияти шахобчалари устидан ҳукмронлик қиларди. Эндиликда Марказком функциялари ошиғи билан Зелимхан Ҳайдаров бошчилигидаги президент девонига ўтган. Президент аппарати тизилмаси худди Марказком тизилмасига ўхшаб кетади.

Президент девони ҳокимият шахобчалари ва органлари устидан назорат қиларкан, айнаи вақтда унинг мулозимлари клептократик акахонлик(крышевание) ҳам қиладилар. Ўз ҳаётимда айнан шундай ходисанинг гувоҳи бўлганман. Ҳаётимда юз берган кейинги ходисадан кейин, яъни

айибсиз ўғлимнинг Бектемир ИИБ ходимлари тамонидан кўчада босиб олиб кетилиб ва шу бугунгача дом дараксиз кетиши ва бу ҳақда Президент девони, Бектемир ИИБси менга ҳеч қандай маълумот бермай ўғлимни қаерлардандир сақлаб келишлари (эҳтимол ўлдириб юборишгандир.) бугун менга шу кунгача Т.Иминов ва А.Фаттоховларнинг давлат пулларини талон-тарож қилишларида бу ишнинг бошида турган энг катта акахон тўғрисида айтишимга туртки бўлди. Чунки ҳаётда бошқа йўкотадиган нарсам қолмади.

Шундай қилиб:

Президент маслаҳатчиси бўлган Тохиржон Иминов 1997-2000 йиллари дўсти ТДИУ ўқитувчиси Адхам Фаттаховнинг «Акбар-Азизий» ХКга жиноий акахонлик қилиб, тўрт йил давомида мамлакатдаги Гигант корхоналардан ҳисобланган Ўзпахтасаноат ва Тошполиграфкомбинат ўртасида воситачилик ниқоби остида Ўзпахтасаноатнинг кўп эмас оз эмас 400.млн. АҚШ \$ миқдоридagi пулларини талон-тарож қилди.

Тақдир тақозоси билан турмуш ўртоғим Ф.Негманов «Акбар-Азизий»ХКсида иш юритувчи директор мен иқтисодчи бўлиб ишлаганмиз. Бугинги кунда бу жиноятнинг ягона гувоҳи менман. 2008-16 йиллардан бери бу жиноятни очиклаб,

келади.

— Олий Мажлис Сенати: Саккиз йиллик ёзма шикоят аризаларимнинг бирортасига жавоб бермади. Жиноятга чора қўллашда ҳеч қандай ҳаракат қилмади. Бош прокуратуранинг бу иш юзасидан қандай чоралар қўллаётганини назоратга олмади. Фақат курьерлик қилиш билан шуғилланди.

— МХХ: Ёзган шикоят аризаларим туфайли Бош прокуратура билан ҳамкорликда таъкиб тазйиқга олишди, босим ўтказишди. Ҳалқ орасида ММХ ходимларини хизмат бурчларини қўшнилар ўртасига нифоқ солиш билан жанжалларга сабабчи бўлувчилар деб билишади. Фақат курьерлик билан шуғилланди. Ўғриларга хомийлик қилишди.

— ДСҚ: 2009 йили Т.Иминовнинг акахонлиги қаноти остида қилинган ўғирлик баён этилган шикоят аризам билан ЎзРес-си Давлат Солиқ Қўмитаси раиси Парпиев қабулида бўлганман. Юзма-юз ўтириб талон-тарожликни, солиқдан қочиш ҳолати бўлганлигини Парпиевга исботи билан баътафсил гапириб берганман. Сўзимнинг охирида Парпиевдан Президент билан кўриша олишдай имкониятидан фойдаланиб бўлган воқеани шахсан И.А.Каримовга етказишини ўтиниб сўраганман. Йиллар эса Парпиевнинг бу тўғрида

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

қўлини-қўлига уриб қўймаганини исботлайди. Парпиев ҳам бундай ҳаракати билан ўғрилари қўллади.

— Президентга мурожаатларим: Ўзбекистонда Президентга шикоят аризалар, ёзма мурожаатларнинг барчаси Президент девонига берилади. Мен 2011 йили шу иш юзасидан Президент девонига бўлганимда бу иш ҳеч қачон ҳеч қаерда қўрилмаслигини ва мен бошқа Президент девонига келмаслигим кераклигини айтиб мени махсус хизмат ходими ёрдамида шундай улуғ дарғоҳдан ҳайдаб чиқаришган. Президент номига ёзилган шикоят аризаларнинг бирортаси Президентга кўрсатилмайди, мамлакатдаги ҳақиқий ахволдан хабардор қилинмайди. Бу фуқораларнинг мурожаат қила оладиган энг олий нуқтасидир. Лекин шу ерда ҳар қандай арзчининг овози ўчирилади, кўнмаса таъкиб таъқиқларга олинади, шунда ҳам тинчмаса оилавий йўқ қилинади. Арзчилар Бош прокуратура билан Президент девони ўртасида 10-15 йиллаб сарсон-саргардон бўлиб юраверади. Буларнинг бошида эса Президент ишончидан ўз манфаати йўлида фойдаланаётган нуфизли одам турибди...

— Мен эҳтимол шундай қилсам Президентнинг қулоғига етар деган мақсадда 2016 йил 2 март кунини Президент қароргоҳи олдида Т.Иминовнинг акахонлиги қаноти остида ўғирланган ҳалқнинг пуллари давлат ғазнасига қайтарилиб ўзи жиноий жавобгарликга тортилишини талаб қилиб норозилик пикети ўтказдим. Лекин бу гал ҳам ўша... Президентнинг ёнида турган акахоннинг санийҳаракатлари туфайли яна ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолди.

— Мен шу битта жиноятни очиқлаганим ортидан саккиз йилдан бери таъкиб таъқиқлар остида яшайман. Охириги йиллари эса оилавий тарзда босимлар остида қолиб кетдим. Бу иш ортидан бизга оилавий тарзда сохта уйиштирилган айибловлар билан аввал маъмурий кейинчалик жиноий ишлар очишди. Йиллар давомида судма-суд сарсон қилиб, қилмаган ишларимизни қилди деб, қонун моддалари билан муҳирланган айибловларни маржон шодасидай бўйнимизга илишди. Энди охириги этап, шу



шодадан тортиб турманинг тўрига итаришлари қолди ҳалос. Саккиз йил давомида биз кўрмаган ҳўрлик ва камситишлар, жабр зулмлар, азоблар қолмади. Алалоқибат мен анча соғлигимни йўқотдим. Буларнинг ҳаммаси Президент маслаҳатчиси Т.Иминовнинг ўғирлигини очиқлаганим ортидандир.

— Энди ўша Президентнинг ёнида турган, ҳақиқатни гапирганларга нисбатан қўлида “Бош прокуратура” номли “ур тўқмоқ” ушлаган юқори мансабдаги Президентнинг чорак асрлик энг ишонгани, қадирдони, мамлакатдаги иккинчи одам, Зелимхон Ҳайдаров тўғрисида икки оғиз сўз. Ўз вақтида Ф.Негманов Зелимхон Ҳайдаров тўғрисида шундай деган эди: “Давлат маслаҳатчилари аслида давлатнинг уйишган ўғрилари тўдасидан иборат экан-ку, фақат Т.Иминов ўғримикан десам, ундан ҳам каттаси уларни бошқариб тургани Зелимхон Ҳайдаров дегани бор экан. Айнан Зелимхон Ҳайдаров Ўзпахтасаноатнинг пулларини талон-торож қилишда давлат маслаҳатчиларига бошчилик қилиб, улар ўртасида навбатни белгиловчи одам ва улишнинг каттасига эғалик қилувчи тўда боши экан. Ўша одам борни йўқ-йўқни бор қилаётган ўғрибоши экан. Вожабо Президентнинг ёнида туриб шундай ўғирликлар билан шуғилланишса-я, наҳотки мустақил мамлакат деганлари шундай бўлса?”-деб ҳайратланган эди. Агар Зелимхон Ҳайдаров 1997-2000 йиллари ўзи билан ёнма-ён, эрталабдан кечгача бир том остида Президент маслаҳатчиси бўлиб ишлаган Т.Иминовнинг хизмат бурчини суистеъмом қилиб

шахсий манфаати йўлида тўрт йил давомида жуда катта миқдордаги давлат пулларини ўзлаштириш билан шуғилланганини кўрмадим, билмадим деса бу ёлғонга ким ишонади?

Аксинча бундай ҳолат унинг Т.Иминов билан оғзи бирлигини, ҳамтавоқлигини билдирмайдими? Айниқса олти йилдан бери бу ўғриликни нафақат мамлакат ичкарасида, балки интернет газеталарида дунёга очиқлаб келишимдан бу ҳақда дунё ҳалқлари хабардору, лекин Президентнинг ишонган дўсти Зелимхон Ҳайдаров эшитмаганими? Ҳамкасби Т.Иминов Бош прокуратура, МХХ, ДСҚнинг кўзини боғлаб, оғзини мойлаб тўрт йил давомида шундай катта молиявий ўғирлик қилади-ю З.Ҳайдаров беҳабар қолибдими? Шу ва шу каби саволлар бу ишда калаванинг учи З.Ҳайдаров билан боғланган деб ҳулоса қилишга асос беради. Шунинг учун ҳам саккиз йилдан бери собиқ Президент маслаҳатчиси Т.Иминовнинг қилган жиноятига жазо қўллаш Бош прокуратура тамонидан ошқора рад қилиб келинади. Бош прокуратура тизимлари хизмат бурчини анча йиллардан бери бажармай қўйган. Қисқаси Бош прокуратура, МХХ, Суд тизимларини алигархлар бошқара бошлаганига анча йиллар бўлган. Бу тоифа одамларга қонуннинг қўли етмайди. Уларнинг жиноятлари ошқор қилинмайди. Жуда камдан-кам ҳолатларда ўзóra низола туфайли бир-бирларидан ўч олиш мақсадидагина жиноятлари элга ошқор бўлади.

Мисол тариқасида, МХХдан Хаёт ва Жавдот Шарифхўжаевлар ёки Бош прокуратурадан

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

А.Шарафуддиновнинг халқ мулкларини ва пулларини йиллар давомида талон-тарож қилганлари бугун дунёга шармандаларча ошкор қилингани каби. Лекин собиқ Бош прокурор Р.Қодиров ва собиқ Президент маслаҳатчиси, бугинги кунда “Алском” суғирта компаниясининг Бош директори бўлиб ишлаётган Т.Иминовларнинг эса айиблари қанчалар очиқланса шунчалар очилмайдиган жиноятлар сирасига киритилиб, қулф-қалитлари З.Хайдаров қўлида сақланмоқда.

Чунки З.Хайдаровга “Нега мамлакатдаги Гигант корхоналарни атрофингиздагилар талон-тарож қилаётганларини кўра-била туриб, Президентни хабардор

қилишдай имкониятингиздан фойдаланмадингиз?” деган саволга бугун орадан йигирма йилча вақт ўтиб у кишида жавоб йўқ. Шунинг учун ҳам жавоб йўқ-ки аввал бошидан талон-тарожликнинг бошида З.Хайдаровнинг ўзи турган, барча жиноятларга акашонлик қилган.

Сир фош бўладиган бўлса Т.Иминовнинг ёнига З.Хайдаров ҳам ўтириб Президент олдида, Қонун олдида жавоб беришига тўғри келади. Бундай ҳолатдан ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак ислоҳатлар Президент маслаҳатчиларидан бошлашмас экан, мамлакатдаги аҳвол эски ҳаммом, эски тослигича қолаверади.

Хукумат мамлакатдаги авж олган коррупцияни томири билан тугатмас экан жиноятчи Президент

маслаҳатчилари жазодан қутилиб қолаверадилар. Ноқонуний коррупция йўли билан топилган пуллар кам сонли элитанинг шохона ҳаёт кечирishiга замин бўлади. Ўзбекистондаги коррупциянинг авж олиши эса халқнинг эркин, фаровон ҳаёт кечирishiга чеклов бўлиб хизмат қилади.

“Бошингга қилич келса ҳам ёлғон гапирма” деган мақолга амал қилиб, бошимни кундага қўйиб, ўзим кўрган, беихтиёр иштирок этиб, гувоҳи бўлган воқеалар тўғрисида тўхталдим. Мен кўтарган масаланинг саккиз йил давомида ечими топилмасдан, аксинча мавҳумлашиб бориши, мени бу мақсад йўлида янада қатъиятли қадам ташлашга ундайди.

Чамангул Негманова



Давлат тўнтаришини бошлаган қўмондон исми маълум бўлди

“Болға” амалиётидан сўнг бир неча қўмондоннинг ҳибсга олиниши ордидан Армия генерали Акин Ўзтурк 2013 йилда Ҳаво кучлари қўмондонлигига тайинланди. Икки йил қўмондонлик қилгач, 2015 йилнинг август ойида вазифани Армия генерали Абидин Уналга топширди. Армия генерали Ўзтурк қолган бир йиллик хизмат муддатини Олий ҳарбий кенгаш аъзоси сифатида давом қилиб, олдимиздаги 30 август куни нафақага чиқарилиши керак эди.

Офицерлар бир йил аввал огоҳлантирган эди

Акин Ўзтуркнинг тўнтариш амалга ошириш салоҳиятига эга

эканлиги, ўтган йил бир гуруҳ офицерлар томондан Бош штаб вазирлигига хабар берилганлиги аниқланди. Агарда тўнтариш муваффақиятли кечган ҳолатда, Акин Ўзтурк Бош Штаб вазири лавозимига ўтирмоқчи бўлган.

Давлат тўнтарилиши кечаси никоҳ тўйига бормаган ягона қўмондон

Кеча тунда, Эскишаҳардаги ва Ҳаво кучларининг барча ўт очиш кучлари қўмондони бўлган Ҳарбий ҳаво кучлари ва Ҳаво ракета мудофаа қўмондонлиги генерал-лейтенанти Илҳан Шанвернинг қизининг никоҳ тўйи бўлиши керак эди. Тўйга барча юқори лавозимли

ҳарбийлар таклиф қилинган. Барча таклиф қилинган учувчи генераллар ва юқори рутбали қўмондонлар Истанбулга келишган. Тўй базмида иштирок этмаган ягона қўмондон эса армия генерали Акин Ўзтурк бўлган. Кейинчалик вертолётлар билан тўй нишонланаётган бинога ҳужум қилиниб, қўмондонлар гаровга олинган.



F-16 учоқларини ҳавога қўтариш билан давлат тўнтарилишини бошлаган

Генерал Акин Ўзтурк кеча соат 22:00 да Анқара 4-Бош учоқ қўмондонлигидан F-16 учоқларни ҳавога қўтариш билан амалиётни бошлаган. Бу амалиёт Ўзтуркнинг куёви Ҳаво пилоти ходими Подполковник Ҳокон Қорақуш қўмондонлик қилувчи 141-флотда бошланган.

ЎХХ хабарлар бўлими

«Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонуни мамлакат аҳолисини синфларга бўлишга, табақалаштиришга қаратилган десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Ўзбекистон фуқароларининг ўз киндик қони тукилган Ватанида хўрлашга қаратилган, мамлакат Конституциясига зид бўлган мазкур Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қандай қилиб қабул қилинган, Сенат Уни қай бир демократик тамойилларга асосланиб маъқуллаганига ҳайронман. «Қовун-қовундан кўриб ранг олади» деганларидек, ушбу



Малоҳат Эшонқулова: Конституцияни таҳқирловчи, ўз халқини хўрловчи қонунни зудлик билан бекор қилиш керак!

қонун ости ҳужжатлари ҳам халқни масхара қилишга қаратилганди. Масалан, Ички ишлар вазирлигининг срибқ вазири Б.Матлюбовнинг 01.05.2012 й. 71-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Буйруғи (Адлия Вазирлиги томонидан 04.05.2012 й. 2358-сон билан рўйхатга олинган)га асосан Республикаимизнинг 12 та вилоятларида истиқомат қилаётган аҳоли давлат ишида ишламаса, хусусий корхоналарда фаолият юритса, нафақахўр, ёинки ногирон бўлса, давлат ишида ишламаганлиги учун ҳам Тошкент шаҳрига ҳатто вақтинчалик прописка қилишлари ҳам таъқиқлаб қўйилган эди. Мамлакат аҳолисининг эрки, эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига раҳна солувчи мазкур «Йўриқнома» 4 йил умргузорлик қилди.

Орадан 4 йил ўтиб Ички ишлар Вазирлигининг янги раҳбарияти Конституция талабларини инкор қилувчи мазкур «Йўриқнома»нинг фуқароларни камситувчи жиҳатларини англаб етишди чоғи, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Ички ишларнинг янги вазири А. Аҳмадбоевнинг 79-сон буйруғи ва унга илова қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги ИУРИҚНОМАси Адлия вазирлиги томонидан шу йилнинг 28 июнда рўйхатдан ўтказилди.

ИИВнинг янги «Йўриқнома»си «Бор-э!» деди-да нафақат вилоятдан пойтахтга келган нафақат давлат идоралари ходимларига, балки барча «келгинди»ларга вақтинчалик пропискани «очиб қўйди». Бирок, бу — мазкур «Йўриқнома» хатолардан холи дегани эмас. Юқоридаги қонун асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ички меъёрий ҳужжатлари ИИВнинг йўриқномасидан-да беъманилиги билан ажралиб туради.

Адлия вазирлигининг ички меъёрий ҳужжатларига асосан Тошкент шаҳрида доимий пропискани бўлган ва истиқомат қилаётган фуқаро Тошкент шаҳридаги мулкни — уйини мамлакатимиздаги мавжуд 11 та вилоятларда яшаб турган қариндошларига ҳадъя қилиши, мерос қолдириши, ёки уй жойларини бошқа вилоятларда бўлган кўчмас мулки билан айрбошлаш каби Конституция ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Оила Кодекси билан белгилаб берилган ҳуқуқлари чекланиб қўйилган. Энг ҳайратланарли жиҳати шундаки, Тошкент шаҳрида доимий пропискани бўлган эр Ўзбекистон вилоятларида доимий пропискани бўлган қиз билан қонуний никоҳдан ўтса, оила қурса, гарчи қонуний эр-хотин бўлса-да, Тошкентлик эр вилоятдан келган ўз турмуш ўртоғига ҳатто ўз мулкни, уйини то уч йилга қадар нотариал идора орқали ҳадъя қилиши, мерос қолдириши, уйини хотинининг номига ўтказиши ҳам таъқиқлаб қўйилган. Мазкур қонун ва қонун ости ҳужжатларининг фуқароларнинг Конституция билан белгилаб қўйилган эрки, ҳаракатланиш ҳуқуқини паймол этадиган яна бир беъмани жиҳати

шундаки, вилоятдан Тошкент шаҳрига турмушга чиққан қиз, ёхуд Тошкентдан уйланган йигит то уч йилга қадар Тошкент шаҳридан хусусий мулк — уй сотиб олиши ман этилган. Яна ҳам баҳсли томони шундаки, хотин ёхуд эрнинг никоҳ ортидан олинган Тошкент шаҳридаги доимий пропискани қонуний никоҳ бекор бўлиши биланоқ бекор қилинади ва эр (ё хотин) яна ўз вилоятига бадарға қилинади!

Хуллас, «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонун ва қонун ости ҳужжатларининг

Конституцияни инкор қилувчи жиҳатларини санайман десангиз, адо бўлмайди.

Минг айсуски, бизнинг халқимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишни билмайди. Биладиганлари ҳам талаб қилишдан кўра «кўки»дан бериб, муаммосини осонгина хал қилиб олишни кўпроқ маъқул кўради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда кооррупция илдиз отган.

Шу боис ҳам мамлакатимизда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари топталгани-топталган...

Ўз уйингда ўғайдек яшашнинг ситами жон-жонлардан ўтиб кетди.

Шу боис ҳам бунингдек ҳақсизликларга барҳам бериш мақсадида мамлакат Конституцияси талабларини рад этувчи, аҳолининг асосий қатламини камситувчи, «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонун ва мазкур қонун ости ҳужжатларини бекор қилишларини сўраб Ўзбекистон Республикаси Конституцион судига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига оилавий мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Аризамизни 2016 йилнинг 13 июль куни Конституцион суд ходимаси М. Тожиева, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидан Ботир Жўраев қабул қилиб қолди.

Мен Конституцияга зид қонунни бекор қилишга оид мазкур аризамиз матнини эътиборларингизга ҳавола қиларканман, унга имзо чекувчилар сони миллионларни ташкил қилишини жуда-жуда истаган бўлардим...

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА
Мустақил журналист ва ҳуқуқбон

**Доктор Ойдин Будоқ
(Gaziosmanpaşa Университети
ўқитувчиси)**

Маҳмуд Қошғарий 1072-1073 йилларда ёзган “Девону луғатит турк” номли асарида “Византия-Рим мамлакатига энг яқин яшаган Турк қабиласи Бижанаклардир” деб айтади. “Бошноқ” (Босниялик) сўзи ҳам “бошида дубулғаси, сиртида зирҳи бўлмаган ер” шаклида таърифланади.

Византиялик Афлотунчи файласуф-давлат арбоби Михаил Пселл (1018-1078) 967-1077 йиллар воқеаларини баён қилувчи “Хронография” номли китобида Болқонни тўлиқ ҳукми остига олган, 1050 йилда эса бутун Тракияни ишғол қилган Бижанаклар ҳақида сўз юритар экан, замондоши Маҳмуд Қошғарий билан айна бир ифодани қўлланган:

“Бижанаклар зирҳ киймайдилар ва бошларида ҳам дубулғалари йўқ. Қалқон ҳам кўтариб юримайдилар. Жангда бақириб ҳужум қиладилар, душман аскарларини сафларини бузиб ўлдирадилар. Улар чуқур водийларда ва қояларда яшайдилар. Улим қаршисида кўрқув нималигини билмайдилар.”

Бир шарқлик олимнинг Бошноқлар, бир Византиялик олимнинг эса Бижанак Турклари ҳақида айна ифодаларни қўлланишлари Бижанаклар билан Бошноқларнинг келиб чиқишида бир фарқ йўқлигини кўрсатмоқда. Турколог Н. А. Баскалов, Келиб чиқиши Туркча Рус фамилиялари номли китобида Бижанак сўзини Бижа-он-ок шаклида таҳлил қилиб, бижа=бек, ари беги; Бижанакнинг ҳам Оноқларнинг беги маъносиде келишини айтади. Шу мантқ билан фикр юритсак Бошноқларнинг Бижанак қабилаларидан бири эканлигини ва Бошноқ сўзининг Бош+он+ок дан қискартирилганини қабул қилишимиз мўмкин бўлади.

Масудий Бағдодийнинг 941 йилда




**Маҳмуд Қошғарийнинг сўзларига кўра
Бошноқ (Босниялик)ларнинг келиб
чиқиш тарихи**

ёзган “Муружус-Заҳаб” (Олтин яйлов) номли асарида Хазорлар ва Олонларга яқин ва булар ва ғарб орасида 4 Турк қавми бўлганлигини, улардан энг жасурлари Бажноқлар бўлганини таъкидлайди. Масудий санаб ўтган бу тўрт қабиладан Бачғард ва Нукардаларнинг авлодлари Мажорлар (Венгерлар)

ва Божноқ ва Бажналар эса Бижанак қабилаларидир. Бу барча ифодалар Масудийда номи келган Божноқларнинг Қошғарий томонидан эслатиб ўтилган Бошноқлар эканлигига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди. Бугун нима сабабдан ва қайси мантқ билан юзага келганини онгланмаган бир шаклда Бошноқларнинг Усмонли даврида исломиятни қабул қилган бир Болқон қавми эканлиги ҳақидаги фикр олдинга сурилмоқда. Шунингдек, яна 11-асрда яшагани аниқланган Ал-Бакрий Андалусий ўша асрда Исламиятнинг Бижанаклар орасида кенг тарқалганини, ҳатто Бижанаклар орасида Ислам дини олимларининг чиққанлигини айтади.

11-асрда ҳануз Қойи қабиласи Усмонли давлатини қурмаганини ҳисобга олсак, Бошноқларнинг Усмонли фатҳи даврида Муслмонликни қабул қилганлиги ҳақдаги таъкидлар асосиз бўлиб чиқади. Яқин тарихларда Серблар зулмидан жабрланган Бошноқлар Муслмон бир жамиятдир, аммо ҳаммасидан аввал Турқдирлар.

УХХ хабарлар бўлими





Конституцион ҳуқуқдан фойдаланганлик учун жарима

Ўзбекистонда Конституцион ҳуқуқлардан фойдаланганлик учун жарима қўлланилади.

Мазкур ноқонуний тенденция Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларидан буён муҳолифат вакиллари, инсон ҳуқуқлари фаоллари, мустақил журналистларни молиявий жиҳатдан таназзулга учратиш илинжида ҳаётга тадбиқ этиб келинади.

Эътиборингизни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасига қаратамиз:

“Муқаддима

Ўзбекистон халқи:

... демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,

... ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади» дея жарангдор оҳангда қайд этиб қўйилган.

Хўш, Ўзбекистон халқининг ўз мухтор вакиллари сиймосида қабул қилинган Конституциянинг 33-моддасида нима дейилган экан:

“33-модда.

Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуктаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга” эканлиги белгилаб қўйилган.

— Ёлғизгина фарзандим Ғайрат Негмановни шу йилнинг 27 июнь куни ИИБ ходимлари томонидан ўғирлаб кетилганлиги ва шу пайтга қадар унинг қаерда эканлигидан беҳабарлигим боисидан мамлакат президенти Ислам Абдуганиевичга кўмак сўраб мурожаат этиш истагида 2016 йилнинг 14 июнь куни соат 10.00 да Президент қароргоҳи олдида пикет ўтказиш мақсадим ҳақида ОАВ воситаларида БАЁНОТ тарқатганим, — дейди Тошкент Шаҳар Бектемир туманида истиқомат қилувчи ёлғиз она Чамангул Негманова, — Ўғлимнинг ИИБ ва прокуратура ходимлари томонидан таъқибга олиниши тасодифий эмас. Негаки, мен 8 йилдирки давлатнинг миллиард-миллиард маблағларини талон-тарож қилган президентнинг собиқ давлат маслаҳатчисини жинойий жавобгарликка тортиш масаласини кўтариб чиқмоқдаман. Менинг ҳақли талабимга жавобан ўзим, айниқса, ўғлим конун идораларининг босимлари остида қолиб кетдик. Бу курашлар ёлғизгина ўғлимнинг ИИБ томонидан ўғирлаб кетиши билан якун топди. Мен прокуратура ва ИИБ идораларига ўғлимнинг қаерда эканлиги ҳақида маълумот беришларини сўраб, бир эмас, бир неча маротаба мурожаатлар қилдим. Бирок, конун идоралари масъуллари мени ҳатто идорага қиритишни таъқиқлаб қўйишди. Ўғлим борасидаги қидирувларим бесамар кетганлиги сабаб Президент қароргоҳи олдида пикет ўтказишга мажбур бўлдим...”

Конституциянинг 33-моддасида белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланиш мақсадида Чамангул Негманова 2016 йилнинг 14 июнь куни соат 10.

00 да Президент қароргоҳи олдида пикетга чиқди.

Кўлидаги плактада шундай талабнома битилган эди: “18 кундан бери Бектемир туман ИИБ ходимлари ўғлимни ўғирлаб кетиб, қаердадир сақлаб келишмоқда. Ўғлимни зудлик билан қайтариб, ИИБ ходимларининг жиноятларига нисбатан жазо қўлланилишини сўрайман”

